FARG'ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMINING QARORI

2024 - yil 1 - fevral 24-11-164-Q/24 Furqat tuman hokimligi

Фурқат тумани "Ингичка" маҳалла фуқаролар йиғини Мустақиллик кўчасидан ўтган автомобил йўли "3.4-Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган" йўл белгиси ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Автомобил йўллари тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 342-сон қарори билан туман ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларини олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-улов ходисаларини олдини олиш мақсадида ҳамда туман ИИБ бошлиғининг туман ҳокимлигида 2023 йил 9 ноябрдаги 3692-сонли билан рўйҳатдан ўтган ёзишмасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон*) нинг 6, 25-моддаларини қўллаб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фурқат тумани "Ингичка" маҳалла фуқаролар йиғини Мустақиллик кўчасидан ўтган автомобил йўлига "3.4-Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган" йўл белгиси ўрнатиш бўйича туман Ички ишлар бўлимининг 2023 йил 9 ноябрдаги 3692-сонли хати инобатга олинсин.

2. Фурқат туман Йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси раҳбари М.Исомидиновга Фурқат туманига туташ бўлган Данғара тумани ҳудудидан ҳамда Фурқат тумани "Ингичка" маҳалла фуқаролар йиғини Мустақиллик кўчасидан ўтган автомобил йўлига "3.4-Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган" йўл белгисини ўрнатиш ишларини Данғара туман Йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси раҳбари билан биргаликда бажариш вазифаси юклатилсин.

3. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати рахбари (У.Бозоров)га мазкур қарорни "Навбаҳор" газетасида эълон қилиш ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига

жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **J.Jumanov**